

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Акциядорларининг навбатдаги
йиллик умумий йиғилишининг
2023 йил “27” июндаги
1-сонли баённомаси билан



Йиғилиш раиси

_____ **Ф. Нурғалиев**

М.ў.

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
“Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомига
киритилган ўзгартиришлар

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки
Кузатув кенгаши мажлисининг
2023 йил “15” июндаги 31-сонли баённомаси билан
Кузатув кенгаши раиси



_____ **О. Исаков**

Бошқарувининг
2023 йил “12” июндаги 76-1-сонли қарори билан
Бошқарув раиси



_____ **О. Бутаев**

Тошкент – 2023 йил

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
“Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомига
киритилган ўзгартиришлар**

1. Низомнинг 6-банд ўттиз олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Таваккалчиликларни бошқариш, Комплаенс, коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталарини, шунингдек заруриятга кўра бошқа қўмиталарни ташкил қилиш”;

2. Низомнинг 9-банд биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Банк Кузатув кенгаши 9 (тўққиз) нафар аъзодан иборат таркибда сайланади. Бунда, Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари сони 4 (тўрт) нафарни ташкил этади”.

3. Низомнинг 9-банд олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

4. Низомнинг 9-банд еттинчи хатбошиси тегишинча 9-банд олтинчи хатбошиси деб ҳисоблансин.

5. Низомнинг 11-банд биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Банк Бошқаруви аъзолари ва Бошқарув раиси, Банкнинг шуъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Банк Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас”.

6. Низомнинг 12-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банкнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас”.

7. Низомнинг 14-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банкнинг Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир”.

8. Низомнинг 19-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай Банк Кузатув кенгашига унинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

Банк акциялари Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 22-моддаси биринчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда олинган тақдирда, акцияларнинг эгаси бундай битим тузилган кундан эътиборан Банк Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар кўрсатишга ҳақли эмас”.



Ref

9. Низомнинг 20-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар Банк Кузатув кенгаши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун, қоида тариқасида, танлов асосида кўрсатилади. Бунда, акциядорлар томонидан ҳам танлов асосида ёки “хэд-хантер” (“headhunter”) компаниялари орқали танлаб олинган номзодлар Банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига кўрсатиш учун Кузатув кенгаши муҳокамасига киритилиши мумкин”.

10. Низомнинг 28-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“28. Банк Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги, Марказий банки, Банк Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзосининг талабига кўра чақирилади.

Банкнинг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари Банк Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга”.

11. Низомнинг 31-банд олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Банкнинг комплаенс, шунингдек ички назорат, санкциявий комплаенс, коррупцияга қарши курашиш ва этика ҳамда таваккалчиликларни бошқаришга масъул таркибий бўлинмалари ҳисоботи”;

12. Низомнинг 31-банд еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Кузатув кенгаши ҳузурида ташкил этилган Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси, Комплаенс, коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича хулоса ва тавсиялари”.

13. Низомнинг 37-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Банк Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Банк Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади”.

14. Низомнинг 62-банд бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Комплаенс, коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси”;

15. Низомнинг 65-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“65. Банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига қонунчилик, Банк Устави ва мазкур Низомда белгиланган тартибда номзод кўрсатилади.

Қуйидагилар Банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

сўнги 3 (уч) йил ичида Банкда ва (ёки) Банкнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс;

Банк овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор;



Банкнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

сўнги уч йил ичида Банкка ва (ёки) Банкнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида Банкнинг Кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

Банк ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

Банкнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахсининг ёки сўнги 3 (уч) йил ичида уларга аъзо бўлган шахсининг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;


Банкнинг Уставида ёки Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Банк Банкнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

Банк Кузатув кенгаши мустақил аъзосининг мазкур банднинг иккинчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у Банкни ва Кузатув кенгашини бу ҳақда икки иш куни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда қонунчилик, Банк Устави ва мазкур Низомда белгиланган тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида таклиф этилади”.

16. Низомнинг 66-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“66. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Кузатув кенгашининг бошқа аъзолар билан бир қаторда қонунчилик, Банк Устави ва мазкур Низомда белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда қарорлар қабул қилинишида мустақиллик тамойилини таъминлайди”.



  4